

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ТАРМОҚ (МИНТАҚАВИЙ) МАРКАЗИ**

**“БИОЛОГИЯДА ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛ”  
модули бўйича**

**Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А**

**Фарғона– 2017**

**Мазкур ўқув-услугий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017- йил 6 апрелидаги 137-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

**Тузувчи:**

ФарДУ, б.ф.н., доц.,  
**К.Ғаниев**

**Такризчи:**

ФарДУ, б.ф.н., доц.,  
**А.Шерматов**

*Ўқув -услугий мажмуа ФарДУнинг ..... Кенгашининг 2017 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ -  
сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.*

## МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР .....	
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ. ....	8
III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....	13
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	47
V. АССИСМЕНТ ТОПШИРИҚЛАРИ.....	51
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ.....	55
VII. ГЛОССАРИЙ.....	56
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....	57

# ИШЧИ ДАСТУР

## КИРИШ

Мазкур дастур ривожланган хорижий давлатларнинг олий таълим соҳасида эришган ютуқлари ҳамда орттирган тажрибалари асосида “Биология” қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналиши учун тайёрланган намунавий ўқув режа ҳамда дастур мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Жамият тараққиёти нафақат мамлакат иқтисодий салоҳиятининг юксаклиги билан, балки бу салоҳият ҳар бир инсоннинг камол топиши ва уйғун ривожланишига қанчалик йўналтирилганлиги, инновацияларни тадбиқ этилганлиги билан ҳам ўлчанади. Демак, таълим тизими самарадорлигини ошириш, педагогларни замонавий билим ҳамда амалий кўникма ва малакалар билан қуроллантириш, чет эл илғор тажрибаларини ўрганиш ва таълим амалиётига тадбиқ этиш бугунги куннинг долзарб вазифасидир. “Биологияда тизимли таҳлил” модули айнан мана шу йўналишдаги масалаларни ҳал этишга қаратилган.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

#### **“Биологияда тизимли таҳлил” модулининг мақсади:**

Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси тингловчиларини молекуляр биологиянинг сўнгги ютуқларини тизимли таҳлил қилиш ва инженерлик математикаси, шунингдек, компьютер билимлари билан биргаликда бутун молекуляр тизимдаги хатти ҳаракатларни экспериментлар орқали характерлаб, замонавий биологик фаолият тизимли таҳлил қилиб берилади. Инсон геноми лойиҳаси

биоинформатикадаги ривожланишларсиз амалга оширилмайди. Шундай экан, фундаментал концепциялар, биологик мураккаблик, хужайрадан тўқимагача бўлган жараёнлар, органлар ва тизимлар, организмлар, популяция ва экологиягача бўлган мураккаблик даражаларини тизимли таҳлил қилиш, олдиндан юзага келадиган маълумотларни ўқий билиш ва таҳлил қилиш; ДНК, РНК, оқсиллар, тармоқлар даражаларида тизимли ёндошувлар, глобал синовлар ва маълумотлар тўғрисида керакли билимлар берилади.

### **Модулнинг вазифалари:**

“Биологияда тизимли таҳлил” фанини ўқитишнинг вазифаси педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси тингловчиларига ҳозирги замон биологиясидаги тизимли ёндошув ҳамда уларга чегарадош бўлган фанлар ютуқларига асосланган ҳолда молекуляр биология ва ҳисоблаш биологиясидаги янги технологик жараёнларни олдиндан башорат қилиш ва экспериментал тизимли таҳлил қилиш назариясининг асосларидан билим беришдан иборатдир. Ҳозирги кунда бу соҳани жадал суръатларда ривожланиши натижасида, замон талабига жавоб бера оладиган мутахассисларни тайёрлаш талаб этилмоқда. Шу сабабли педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси тингловчиларига биологик тадқиқот натижаларини тизимли таҳлил қилишда ва амалий фойдаланиш йўлларини очиқ бериш замонавий илмий педагогик кадрлар тайёрлашга ёрдам беради ва бу фанни биология ва турдош фанлар соҳаларида педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсида билим олаётган тингловчиларга ўргатиш замон талабига мовофиқлиги билан ажратиб туради.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

“Биологик тизимда таҳлил” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

**Тингловчи:**

- Тизимли таҳлилнинг таснифи, генезиси;
- Биологик тизимдаги йўналишлар, аниқ тадқиқот стратегиялари;
- Метаболик регуляция, РНК метаболизми, РНК метаболик таҳлилининг апликацияси ҳақида **билимларга эга бўлиши;**

**Тингловчи:**

- Оксилнинг кетма-кетлик билан бўлиниш функциясини таҳлили;
- Регуляция, транскрипция ва сигнал юбориш;
- Моделлаштириш, тизимли моделлаш, хужайравий биологик тизим, хужайрадан организмгача бўлган жараёнларни таҳлил қилиш **кўникма ва малакаларини эгаллаши;**

**Тингловчи:**

- Тизимли таҳлил орқали тадқиқот стратегияларини ўрганиш;
- Моделлаштириш ва тизимли таҳлилда хужайрадан организмгача бўлган жараёнларни билиш компетенцияларини эгаллаши лозим.

**Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Биологик тизимда таҳлил” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади. Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экцпресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий хужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

## Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Биологияда тизимли таҳлил” фанини ўзлаштиришда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси тингловчилари биологиядан: микробиология ва вирусология, генетика, молекуляр биология, биохимия, биофизика, физиология, ботаника ва зоология, биоинформатика, экология конунлари ҳақида тушунчага эга бўлишлари керак.

## Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар замонавий биологиядаги илмий тадқиқот натижаларини тизимли таҳлил этиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

## Биологияда тизимли таҳлил модули бўйича соатлар тақсимооти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат				
		Хаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси			Мустақил таълим
			Жами	жумладан		
				Назарий	Амалий машғулот	
1.	Биологик тизим. Кириш, тарихи, генезиси. Биологик тизимдаги йўналишлар	2	2	2		-
2.	Транскрипцион моделлаштиришга биологик ёндошув тизимлари. РНК метаболизми. Хужайравий биологик тизим	8	6	2	4	2
	<b>Жами:</b>	<b>10</b>	<b>8</b>	<b>4</b>	<b>4</b>	<b>2</b>

## НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

### **1-мавзу: Биологик тизим. Кириш, тарихи, генезиси. Биологик тизимдаги йўналишлар.**

Биологик тизим компонентларининг ўзаро таъсири, математик ва ҳисоблаш моделлари орқали биологик тизимни тушуниш, миқдорий ва сифат муддатларига бошқариш, электроник манба ва коммуникация. Кребснинг (1953) метаболзимдаги айланма ҳаракати, тизимлар таҳлили тарихи, аҳамияти, ривожланиши. Биологик тизимларда физиология ва медицинада моделлаштириш, фармокогенезия ва фармокодинамикадан кенг фойдаланиш.

Янги маълумотларнинг кичкина бир бўлагини анализ қилиш биологиянинг мазмун моҳиятини тушунишга ёрдам беради. Соғлиқ, касалликлар ва медицина интеграциялашган ёндашув асосида янги билимларни талаб қилади. Ҳаттоки, бизнинг ҳозирги ҳолатдаги билимимиз билан тизимлар биологияси аллақачон икккала фундаментал тушунчани тасирли даражада ўз ичига қамраб олади ва соғлом ҳаёт учун тажрибада қўлланиладиган билимларни бошқаради. Жумладан, циркан ритмлар фақатгина тизимлар биологияси асосида тўлиқ ёндашув билан асосланади. Биологик тизимдаги йўналишлар.

### **2-мавзу: Транскрипцион моделлаштиришга биологик ёндошув тизимлари. РНК метабализми. Хужайравий биологик тизим.**

Хужайра тўпламини яшовчанлигини ошириш, метаболик тартибга солиниш, РНК метабализми, РНК метаболик таҳлилларининг апликацияси, кунлик соат, кўп йиллик кўчиришлар, биологик тизим учун ресурслар оқсилнинг кетма - кетлик билан бўлиниш функцияси, ENFIN таҳлиллари, регуляция, транскрипция ва сигнал юбориш, тизимли моделлаш.



## АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР

Ўқув машғулотларни ташкил этиш бўйича кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Унда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси тингловчилари асосий маъруза мавзулари бўйича олган билим ва кўникмаларини машғулотлар олиб бориш жараёнида янада бойтадилар. Шунингдек, дарслик ва ўқув қўлланмалар асосида тингловчилар билимларини мустаҳкамлашга эришиш, тарқатма материаллардан фойдаланиш, илмий мақолалар ва тезисларни тайёрлаш орқали тингловчилар билимини ошириш, мавзулар бўйича кўргазмали қуроллар тайёрлаш ва бошқалар тавсия этилади.

### 1-Амалий машғулот:

Тингловчилари мавзулари бўйича олган билим ва кўникмаларини асосида Метаболик тизимларнинг таҳлили бўйича масалалар ечилади.

### Ўқитиш шакллари

Мазкур модул маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютар технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усуллари қўллаш назарда тутилади.

## БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

№	Ўқув-топширик турлари	Максимал балл	Баҳолаш мезони		
		2,5	«аъло» 2,2-2,5	«яхши» 1,8-2,1	«ўрта» 1,4-1,7
1.	Тест-синов топшириқларини бажариш	0,5	0,4-0,5	0,34-0,44	0,28-0,3
2.	Ўқув-лойиҳа ишларини бажариш	1	0,9-1	0,73-0,83	0,56-0,7
3.	Мустақил иш топшириқларини бажариш	1	0,9-1	0,73-0,83	0,56-0,7

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

### “Тушунчалар таҳлили” методи

**Методнинг мақсади:** мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

### “Инсерт” методи

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод ўқувчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини энгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод ўқувчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қуйидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:


Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“√” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

### “Давра суҳбати” методи

Айлана стол атрофида берилган муаммо ёки саволлар юзасидан таълим олувчилар томонидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш орқали олиб бориладиган ўқитиш методидир.

“Давра суҳбати” методи қўлланилганда стол-стулларни доира шаклида жойлаштириш керак. Бу ҳар бир таълим олувчининг бир-бири билан “кўз алоқаси”ни ўрнатиб туришига ёрдам беради. Давра суҳбатининг оғзаки ва ёзма шакллари мавжуддир. Оғзаки давра суҳбатида таълим берувчи мавзунини бошлаб беради ва таълим олувчилардан ушбу савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларини сўрайди ва айлана бўйлаб ҳар бир таълим олувчи ўз фикр-мулоҳазаларини оғзаки баён этадилар. Сўзлаётган таълим олувчини барча диққат билан тинглайди, агар муҳокама қилиш лозим бўлса, барча фикр-мулоҳазалар тингланиб бўлингандан сўнг муҳокама қилинади. Бу эса таълим олувчиларнинг мустақил фикрлашига ва нутқ маданиятининг ривожланишига ёрдам беради.



**Белгилар:**

- 1-таълим олувчилар
- 2-айлана стол

### III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

#### 1-мавзу: БИОЛОГИЯДА ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛ ФАНИГА КИРИШ, ТАРИХИ, ГЕНЕЗИСИ ВА ЙЎНАЛИШЛАРИ

##### **РЕЖА:**

- 1.1. *Биологияда тизимли таҳлилнинг ўрни ва тарихи.*
- 1.2. *Биологияда тизимли таҳлилнинг генезиси ва тизимдаги йўналишлар.*

**Таянч иборалар:** *тизим компонентлари, электроник манба, модель, метаболизм, Кребс цикли, замонавий ёндошув, ҳисоблаш, РНК ва ДНК, симуляция, динамик ҳаракат, доминант ёндошув, парадигматик ёндошув.*

#### **1.1. Биологияда тизимли таҳлилнинг ўрни ва тарихи.**

Тизимлар биологияси тизим компонентларининг ўзаро таъсирини математик ва ҳисоблаш моделлари орқали биологик тизимни тушунишга ёрдам беради, бу эса миқдорий ва сифат муддатларига йўналтирилган бўлиб, айниқса, электроник манба ва коммуникацияга жавобгар муддатларда кечади. Масалан, биологик тизимлар замонавий биологияга ўхшаб қадимий саналади ва бу жараёни биз Кребснинг (1953) метаболизмдаги айланма ҳаракатида ҳам кўришимиз мумкин. Қандай бўлмасин, Кребс цикли кескин рўй берадиган энзимдан энзимгача жараёни ҳосил қилишини намойиш этади. Булар шубҳа қилмайдиган тизимлар бўлиб, аммо улар тизимлар биологияси ёндошуви орқали амалга ошмайди, улар замонавий тизимлар биологиясини ҳам яратмайди. Бир марта бу билимлар динамик симуляцион моделда бўлақларга ажратилган, қандай бўлмасин булар тизимлар биологиясида ишлатилиши мумкин.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Frederick B. Marcus. Bioinformatics and systems biology. Belgium, Springer. 2008. P.8

Тизимлар биологияси физиология ва медицинада моделлаштириш жараёнида узок вақтлардан бўён қўлланилган бўлиб, жумладан, фармакогнозизия ва фармакодинамикада кенг фойдаланилган.

Тизимлар биологиясида асосий калит бу замонавий ёндошувни ҳосил қилади, юқори технологияларнинг яқин вақт ичидаги ривожланишини ва кўп соҳали биологияда янги пайдо бўлаётган технологияларнинг ўрнини очиб беради, юқори аниқлик ва қайта ечимли ҳолатларда миқдорий маълумотларнинг янги турларининг авлодларини яратишга имкон беради.

Комплекц тизимлар назариясининг яқин вақтдаги ривожланиши математик концепциялар ва жиҳозлар билан бизга ёрдам бермоқда ва жонли табиатда динамик ҳодисаларнинг кузатилиши ва ундаги жараёнларни тушуниш учун янги воситаларни талаб қилмоқда. Янги маълумотларнинг кичкина бир бўлагини анализ қилиш биологиянинг мазмун моҳиятини тушунишга ёрдам беради, саломатлик, касалликлар ва медицина интеграциялашган ёндошувни талаб қилади. Ҳаттоки, бизнинг ҳозирги ҳолатдаги билимимиз билан тизимлар биологияси аллақачон икккала фундаментал тушунчани таъсирли даражада ўз ичига қамраб олади ва соғлом ҳаёт учун тажрибада қўлланиладиган билимларни бошқаради. Жумладан, циркан ритмлар фақатгина тизимлар биологияси асосида тўлиқ ёндошув билан асосланади. Эҳтиёткорлик билан яратилган моделлар аллақачонлардан касалликлар тарихи ҳақида башорат қилишни аниқлаб бера олади ва қандай медицина оптимал даражада – қўланиши мумкинлигига йўл-йўриқ кўрасатилади, шунингдек, шахсий медицинага йўл очиб беради. Масалан, вақт ўтиши билан химотерапия ёки диабетларни даволаш билан дориларни оптималлашиши намоён бўлади.<sup>2</sup>

---

<sup>2</sup> Frederick B. Marcus. Bioinformatics and systems biology. Belgium, Springer. 2008. P.8.

## Биологик тизимдаги йўналишлар

Ҳисоблаш ва экспериментал биология кўп вақт давомида фанларга ажратиб келинган. Биологик тизимлар бошқа бир томондан янги фан сифатида пайдо бўлган бўлиб, қайсики назарётчи ва эксперимент тарафдорлар бир – бири билан яқиндан ҳамкорлик қилишган. Бу ерда моделер ва эксперименталистлар ўртасида давомийлик ва такрорланувчи ҳамкорликлар учун муҳтожлик сезилиб, яъни моделер тизим ҳақида биологик билимларни тушунади ва янги экспериментларни аниқлашда қатнашади. Эксперименталистлар эса математик таърифларнинг ичидаги конвертацион биологик информациянинг принципларини тушунади. Бу бир-бирига яқин ўзаро таъсирлар учун муҳтожлик қисман муҳим информацион моделлаштириш билан маълумотлар базасининг етишмовчилигидан пайдо бўлади ва акцинча биоинформатика таҳлилининг кўпгина турларига контраст даражада бўлиб, яхши структурада асосланиши мумкин ва қиёсий содда маълумот турлари, ДНК кетма-кетлигига ўхшаб рўй бериши мумкин.

Гендан ҳужайраларгача қурилаётган комплекц тизимлар ҳақидаги мавзу турли маълумотлар базасидан олинган бўлиб, маълумотларнинг турли типлари ва ҳоказолар ҳақида ёндошилади. Бу ёндошув баъзи мувафакқиятлар билан тугайди, аммо умумий ҳолда у жавобларга қараганда кўпгина саволларни ҳам яратади. Шундай ёндошувлардан пайдо бўлаётган манзара аниқликларга сезувчан тизимлар асосида қурилади. Маълумотлар муҳим, аммо бу маълумотлар моделлаштирилишда қўлланилади. Академияда генетик информацияда комплекц моделлар базасини ривожлантириш қизиқарли ва кўпгина “виртуал ҳужайралар” қизиқарли ҳужайрасимон ҳатти-ҳаракатларни намойиш қилади. Қандай бўлмасин саноат қонуний кучга эга бўлган махсус муаммоларга эга. Саноат медицина учун юз миллионлаб евро сарф қилади, ёки биожараёнларга асосланган ҳисоблаш моделларида яратилаётган модел фойдали бўлиб, аниқ ва солиштирма хусусиятга эга

бўлади. Бу биргина энг яхши маълумотлар асосида эришилмайди. Бирдан-бир модел яратилиши мумкин. Маълум даражадаги ўзаро алоқалар, яъни унинг қисмлари орасидаги ва ҳатто дастурий таъминотдаги ҳисоб - китоблар танқидий қаралиши ҳам мумкин. Шунингдек, биологик тизимдаги инструментларнинг янгиланиши танқидий бўлиб, амалий ва визуал кўринишларни талаб қилади. Биологик тизимлар биоинформатика, информатсион технология, динамик тизимлар назарияси каби ҳаётий фанлардаги кўпгина турли йўналишларга фойда келтиради. Биологик тизимлар шундай фанки, унинг мақсади номаълум принципларни кашф этади ва биологик тизимлардаги содир бўладиган қонунларни ўрганади.<sup>3</sup>

---

<sup>3</sup> Frederick B. Marcus. Bioinformatics and systems biology. Belgium, Springer. 2008. P.9



## Тизимли таҳлилда тарихий контекст



1900	1950	2000
Доминант ёндошув	Физиология	Молекуляр биология
Ўрганиш даражаси	Органлар функцияси ва метаболизм	Идентификация ва хужайра компонентларининг функцияси
Парадигматик кашфиёт	Гомеостаз	ДНК кашфиёти, бутун геном кетма- кетлиги
Яқиндан ёндошувдаги чеклашлар	Аниқлашга имкон йўқлик / хужайра компонентларини ўзгартириш	Қандай қилиб компонентлар фенотипни ишлаб чиқаришга ўзаро таъсир қилишини тушунтиришга имкон йўқлик

## Келажакдаги вақт чизгилари



2000	10-15 йиллар ?	Яна 10-15 йил ёки ундан ортиқроқ
Йирик сўқмоқлардаги ген маҳсулотларини биз биламиз	Оқсиллар орасидаги барча ўзаро таъсирларни аниқлаш	Биологияни миқдорий тушуниш. “Қандай ва нима учун” каби саволни ечиш мақсад қилинди

### Биологик тизимнинг генезиси

1940- йй: Ноберт Виенер – Кибернетиканинг отаси




1960- йй, 70-йй: Биокимёвий тизим назарияси,

Метаболик назорат назарияси





1990-йй ўртаси: Биологик тизимлар – Лерой Худ





1-чизма. Тирик организмдаги жараёнларни тизим шаклида таҳлил қилинг.<sup>2</sup>

<sup>2</sup>Lindsay M.Edwards and Ines Thiele. Applying systems biology methods to the study of human physiology in extreme environments. Extreme physiology and Medicine, 2013. P.3.






Cellware team:  
 Li Ye, Tan Chee Meng  
 Sandeep Somani, Anand Sairam  
 Zhu Hao, Pawan Dhar



## Биз ҳозир қаердамиз?

### Gridversion released





*anelephantislike...awall*


*like...afan*

*like...aspear*


*like...arope*

*like...asnake*

*like...atree*




## 2-чизма. Тизимнинг концептуал схемаси







### 3-чизма. Назорат тизимлари




### 4-чизма. Информацион тизимлар.





5-чизма. Мембрана транспорти



### **1.3. Биологияда тизимли таҳлилнинг генезиси ва тизимдаги йўналишлар.**

#### ***Тизимлар биологияси лойиҳалари.***

Биоинформатик лойиҳалар билан таққослаган ҳолда, биологик тизимда ҳамкорликда қилинадиган тадқиқот лойиҳалари пропорционал йирикрок “*вет – лабораториявий*” экспериментал компонентларга эга бўлиши керак. Бунинг сабаби шундаки, кўпгина тадқиқот майдонларида стандарт талабига жавоб берадиган маълумотларнинг ёки тадқиқотларнинг турли шароитидаги асосий вақтга боғлиқ маълумотларнинг камлиги сезилади. “Кимёвий – лабораториялар” тадқиқотларидаги модель ривожланиши, компьютер орқали моделлаштириш ёки ген ҳақидаги асосий маълумотларни умумий ҳолатда бирлаштириш ва фарқларни бир-бирига таққослаш жуда муҳим ишдир. Ҳаттоки энг катта тадқиқот институтларида ҳам зарурий интерактив модел ва экспериментал ривожланишни амалга оширишда маҳорат етишмаслиги мумкин. Ҳамкорликдаги тадқиқотлар бир неча мамлакатларда бир неча лабораторияларни ўз ичига олган ҳолда юқори натижаларни келтириб чиқаради. Тизимлар биологияси борлиқдаги муҳим нарсаларни тушунишга, билишга ёрдам беради, ҳолбуки, ажратмалардаги қисмларни текширмасдан туриб уни тушуниб бўлмайди. Ҳозирги кунда комплекц биологик тизимлар ва уларнинг регуляциясини тадқиқ қилишда математика, муҳандислик, физика ва компьютер билимларига таянади. Бу биологик тизимда ҳозирги кундаги олиб борилаётган биохимик ва молекулар биология соҳасида эришилган ютуқларни кўришимиз мумкин.<sup>4</sup>

Жумладан, 2008 йилдаги маълумотларга асосан, қуйидаги тадқиқотлар лойиҳалари амалга оширилди: AMKIN (2007), BaSysBio (2007), BIOSIM (2007), COMBIO (2007), COSBICS (2007), DIAMONDS (2007), EAMNET

---

<sup>4</sup> N.Chomsky. Systems Biology Meeting, MIT, Boston, Jan 8-9, 2004.

(2007), ENFIN (2007), EUCLOCK (2007), HepatoSys (2007), QUASI (2007), RiboSys (2007) va SysMO (2007), FP7 (2007) лойиҳалари.<sup>5</sup>

### ***Тармоқ ва Динамикалар***

Инсоннинг фенотип касалаликлари нафақат одамнинг индивидуал генлари ва уларнинг маҳсулотлар орқали бошқарилади, балки бу генлар ва уларнинг маҳсулотлари орасида мавжуд бўлган ўзаро алоқалар тармоқлари орқали ҳам бошқарилади, шунингдек улар намоён қиладиган тизимли-кенг динамик хатти—ҳаракатлар орқали ҳам бошқарилиб туради. Метаболик алмашинув йўлидан сигнал берувчи метаболик йўлга бошқарилган тармоқлар тизими гормонал ҳаракатни бошқариб туради. Қачонки уларга мурожат қилинганда, улар ўзларининг ташқарига чиқишини ўзгартиради, қайсики, ташқи шароитга алоқадор бўлган ҳолда, ҳар бир патологик ёки нормал фенотип кўринишида намоён бўлади. Метаболик назорат таҳлилига ўхшаш (метаболик тармоқлар учун), ёки стохастик, ёки мантиқий ёндошувларга (ген бошқарилиш тармоқлари) таянган ҳолда бу тармоқлар динамикасини ўрганиш патогенез ичидаги ва ракка ўхшаш комплексларни касалликларни даволаш орқали янги имкониятлар билан таъминлаши мумкин. Мисол учун, тармоқда жуда муҳим роль ўйнайдиган генлар тўплами ёки оқсиллари гуруҳини аниқлаш мумкин. Шу ишларни амалга ошириш учун бу лойиҳа ва изланишлар бир қанча тармоқларга бўлиниб кетган. Шунини маълум қилиб ўтиш керакки, биологик тизимдаги изланишлари туфайли тармоқларда ҳозиргача бир қанча янгиликлар очилган.<sup>6</sup>

### ***Хужайра цикли бошқаруви***

DIAMONDS (2007) лойиҳаси эукариот хужайра цикли бошқарувиغا асосланган бўлиб, хужайра цикли назоратини ҳисобий моделларини ривожлантирди ва амалга оширди, яъни тизимлар биологияси “вет лаборатория” муҳитида гипотеза-генерация механизми сифатидаги

<sup>5</sup> <sup>1</sup>Frederick B. Marcus. Bioinformatics and systems biology. Belgium, Springer. 2008. P.53.

<sup>6</sup> <sup>4</sup>Leroy Hood. Systems Biology Meeting, MIT, Boston, Jan 8-9, 2004.

функцияни ривожлантирди. Бу лойиҳа жуда катта таассурот қолдирадиган нашрлар рўйхатини яратди ва бу маълумотлар тизимнинг қандай ишлашини амалий кўрсатиб берди. Бу ишлар веет лаборатория ва курук лабораторияларда амалга оширилди, яъни ачитқининг иккита типларида, хусусан ўсимлик ва одам ҳужайраларида олиб борилди. Бу лойиҳанинг асосий икки мақсади белгиланди: ҳужайра циклидаги билимлар асоси ва интеграцион маълумотлар, моделлаштириш ва симуляцион жиҳозлар, яъни бу лойиҳа тизимлар биологияси орқали ёндошувга, жумладан, ҳужайра циклидаги асосий моделнинг ривожланишида ўша маълумотларнинг интеграцион таҳлилини ишлаб чиқишга рухсат беради. Ҳужайра цикли бу моделдан янги экспериментларни белгилашда фойдаланади, хусусан аралашмалардан тозаланган моделдаги янги топилмаларни интеграцияси ва янги маълумотлар таҳлили, маҳсулотларни белгилашда кенг фойдаланади.<sup>7</sup>

#### **Назорат саволлари:**

1. Биологик тизимларда таҳлил жараёни қандай илмий ёндошувлар асосида рўй беради?
2. Тизимли таҳлилда тарихий контекст ҳақида маълумот беринг?
3. Тизимли таҳлилнинг концептуал схемасини изоҳлаб беринг?
4. Келажакда тизимли таҳлилнинг ўрни қандай бўлади?

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Frederick B. Marcus. Bioinformatics and systems biology. Belgium, Springer. 2008. P.53-54.
2. Lindsay M. Edwards and Ines Thiele. Applying systems biology methods to the study of human physiology in extreme environments. Extreme physiology and Medicine, 2013. P.3.
3. N. Chomsky. Systems Biology Meeting, MIT, Boston, Jan 8-9, 2004.
4. Leroy Hood. Systems Biology Meeting, MIT, Boston, Jan 8-9, 2004.

---

<sup>7</sup> <sup>1</sup>Frederick B. Marcus. Bioinformatics and systems biology. Belgium, Springer. 2008. P.53-54.

## 2-мавзу: ТРАНСКРИПЦИОН МОДЕЛЛАШТИРИШГА БИОЛОГИК ЁНДОШУВ ТИЗИМЛАРИ.

### **РЕЖА:**

- 2.1. Аниқ тадқиқот стратегиялари.
- 2.2. Метаболик регуляция.
- 2.3. РНК метаболизми.
- 2.4. РНК метаболик таҳлилининг апликацияси
- 2.5. Регуляция, транскрипция ва сигнал юбориш.

**Таянч сўзлар:** стратегия, РНК, ДНК, метаболизм, ген, апликация, регуляция, транскрипция.

### **2.1. Аниқ тадқиқот стратегиялари.**

**Аниқ изланишлар стратегияси қуйидагиларни ўз ичига олади:**

- *Bacillus subtilis* хужайраларида ишлаб чиқарилувчи ҳамма РНК транскрипциялари (м РНК ва кичик РНКлар) ни янги кўп функцияли ДНК микрожойлашувларидан (систематик ва холислик билан) фойдаланиш орқали аниқлаш ва *cis-acting* регулятори кетма – кетлигининг транскрипцион омиллар томонидан боғланганлиги;
- хужайралар реакцияга киришган вақтда вақтни кўрсатиб туришни аниқлаштирадиган йирик ген – хужайра тўпламини яшовчанлигини ошириш орқали техник тафовутларга кўприк куриш.<sup>8</sup>

### **2.2. Метаболик регуляция.**

- спектрометрик масса ва оксиллар майдаланиш техникаларига боғлиқ бўлмаган геллардаги охирги янгиликларни оксиллар микдорини аниқлашда ва уларнинг жойини ўзгартириш сабаблари модификациясини аниқлаштиришда фойдаланиш;

<sup>8</sup> <sup>1</sup>Frederick B. Marcus. Bioinformatics and systems biology. Belgium, Springer. 2008. P.69.

- янги субстрацияларни анализ қилувчи  $^{13}\text{C}$  – ҳосилани параллел ҳолатда ишлашнинг кенгайтириш;
- Таёқча шаклидаги юқори ўтказувчанликка эга бўлган бактерия генларини бирлаштиришга ва патогенларни боғлашга ёрам бериш учун Gram positive пробактерияларнинг қайта тузилган системаларига асосланган ҳолда хромасома инженериясини ривожлантириш;
- Бир вақтда ишлайдиган бошқарувчи тармоқларни ва моделлаштиришни яхшилаш методларини ва янги таълимотларини ривожлантириш. Бу ўз ичига тармоқ ваколатхоналарининг асосий таркибий қисимларини аниқ ва стандарт бўлиши; мажбурий асосланган яқинлашиш ва аниқлаштирилган динамик моделлар аралаштирилган гибрид математик моделларни ўз ичига олади.<sup>9</sup>

### 2.3. РНК метаболизми.

RiboSys (2007) моделлаштиришга биологик яқинлашиш системаси олдинги – м РНКни ва *Saccharomyces cerevisiae* даги рибосомик РНК (рРНК) метаболизми ва ҳужайравий йўллар бирлашмасини тушунишга ёрдам бериш каби тизимларни ишлатади. Лойиҳа қуйидагича:

1. мРНК ва рРНКлар миқдорини аниқлаш ва уларнинг транскрипцияси даражасини ва турли транскрипцион йўллар орасидаги ўсиш ёки пасайишларни аниқлаштириш;
2. Олдинги мРНК ва рРНКларнинг ўсиш ва пасайишини кўрсатувчи икки таққословчи математик кўрсаткичларни ишлаб чиқиш ва тажриба маълумотлар қийматининг ишлатилиниш кўрсаткичлари билан ишлаш;
3. Модель параметрларини талқин қилиш ва Система хусусиятлари ҳақида башоратлар қилиш;
4. Башоратларни махсус хусусиятларини тўхтатиб қўювчи мутациялардан фойдаланган ҳолда экспериментлар орқали текшириш;

<sup>9</sup> <sup>1</sup>Frederick B. Marcus. Bioinformatics and systems biology. Belgium, Springer. 2008. P.69.

5. Ингичка микрожойлашувларни антисезги ва ген ички транскрипциясини ўрганишда, тажриба намуналарининг ўзаро боғлиқлигини ва мутациянинг транскрипцияга таъсирларида, жараён ва РНК транскрипцияси ва барқарорлигининг циклик натижаларини ўрганиб чиқишда қўллаш;

6. РНК молекулаларига универсал кўринишда бўлишига рухсат берувчи, турлар ва организмлар ўртасидаги фарқларни таққословчи ва математик кўрсаткичлар билан мос келувчи, маълумот сақловчи системани ривожлантириш.<sup>10</sup>

#### **2.4. РНК метаболик таҳлилининг апликацияси.**

